# Mahalla

МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

12 (666) | www.mahalla.uz | 2009 йил 25 март. Чоршанба | 1996 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

ISSN 2010-7013 mahalla.gz@rambler.ru


**Ғиждувон туманидаги "Кўкча" қишлоқ фуқаролар йиғини замонавий ахборот-компьютер жиҳозлари билан таъминланди.**

## ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИГА – АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

– "Маҳалла" жамғармасининг байрам совғаси бизни ғоят хурсанд қилди, – дейди фуқаролар йиғини раиси Ирисгул Қорабоева. – Ушбу жиҳозлар ҳудудимиз аҳолиси ҳақида, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга оид маълумотларнинг электрон базасини яратиш имконини беради.

Ғиждувон туманида яна 28 қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғини мана шундай имкониятга эга бўлди. Бухоро вилояти бўйича 96 фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораси компьютер ва 72 таси мебель анжомлари билан таъминланди.

– Вилоятимизда 546 қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғини фаолият кўрсатмоқда, – дейди "Маҳалла" жамғармасининг Бухоро вилояти бўлими раиси Беҳбуд Жумаев. – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, иш шароитини такомиллаштириш борасидаги тадбирлар изчил давом эттирилади.

**Э.ЁДГОРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# САРМОЯ КЕЛТИРГАН САМАРА

Фарғона вилоятининг Бешариқ туманида "Kalorama Tex" акциядорлик жамияти иш бошлади. Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, инвестицияларни жалб этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 11 апрелда қабул қилинган "Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги"ги фармони бунда муҳим аҳамият касб этмоқда.





"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури асосида ташкил этилган мазкур корхона пахта толасидан трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Бу ерда замонавий технология асосида иш юритилиши маҳсулот сифатини яхшилаш имконини беради. Тайёрланаётган маҳсулотнинг 80 фоизидан ортиғи экспорт қилинади.

Корхона ишга туширилгач, 600 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди.

**М.СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** *ишчи Муҳтарам Ҳаитбоева;*
*ишчи Нилуфар Эрматова иш устида.*

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.**

# ЎЗБЕКИСТОН — ТОЖИКИСТОН ДАВЛАТ ЧЕГАРАСИ ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМА КУЧГА КИРДИ

**Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон томонидан 2002 йил 5 октябрда Душанбе шаҳрида имзоланган Ўзбекистон —Тожикистон Давлат чегараси тўғрисидаги шартноманинг кучга кириши бўйича ратификация ёрлиқларини алмашиш маросими бўлди.**

Ҳозирги вақтда барча зарур ички давлат процедуралари тегишли тартибда якунига етказилган. Шартноманинг 9-моддасига мувофиқ, у 2009 йил 24 мартдан, яъни Ратификация ёрлиқларини алмашиш тўғрисидаги протокол имзоланган кундан кучга киради.

Шартнома икки мамлакат ўртасидаги Давлат чегараси аксарият қисмининг бугунги кунга қадар маъқулланган ўтиш линиясини тасдиқлайди.

Икки давлат ҳукуматлараро комиссиялари ишининг навбатдаги босқичи 2009 йил охиригача қолган кичик участкаларни делимитация қилиш жараёнини якунига етказиш ва Ўзбекистон —Тожикистон Давлат чегарасини халқаро ҳуқуқ меъёрларига тўла мос равишда демаркация қилишдан иборатдир.

Шартноманинг кучга кириши Давлат чегарасининг қисқа фурсатда халқаро-ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилишига, хавфсизлигини таъминлашга, икки мамлакатнинг ҳамкорлигини дўстлик ва яхши қўшничилик, ўзаро ҳурмат ва тенг ҳуқуқлилик асосида янада ривожлантиришга хизмат қилади.

**(ЎзА)**

Кўрик-танлов

# ЭНГ ФАОЛ МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТЧИСИ

**Ўтган йили "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви ҳамда тегишли ташкилот ва идоралар ҳамкорлигида эълон қилинган "Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси" кўрик-танловининг республика босқичи ниҳоясига етди.**

Унда танловнинг вилоят босқичлари ғолиблари — маҳалла тизими доирасида фаол иш олиб бораётган, хусусан, ёшлар тарбияси, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, миллий урф-одат ва маънавиятимизга уйғунлашиб кетган анъаналаримиз ривожига муносиб ҳисса қўшиш, давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларини ҳаётга татбиқ этиш борасида жонбозлик кўрсатаётган ходимлар иштирок этди.

Кўрик-танлов ғолибини аниқлашда иштирокчиларнинг нафақат амалий билимлари, балки ҳужжатлар билан ишлаш кўникмасига ҳам аҳамият қаратилди. Якуний натижаларга кўра, биринчи ўрин "Маҳалла" жамғармаси Қашқадарё вилояти бўлимининг Оила ва хотин-қизлар йўналиши бўйича бош мутахассиси Гулчеҳра Бобожоновага насиб этди ва у танловнинг бош совринини қўлга киритди. "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви Раёсатининг қарорига биноан, танловда фаол қатнашган барча иштирокчилар жамғарманинг ҳудудий бўлимлари томонидан муносиб тарзда рағбатлантирилади.

Келгусида кўрик-танлов иштирокчилари томонидан фаолиятда қўлланилган энг илғор тажриба ва иш услубларини оммалаштириш кўзда тутилган.

**Мухбиримиз**

Аҳолига қулайлик

**Тошкент вилояти**

# ҚИШЛОҚЛАРДА «HYUNDAI-МОБИЛЬ КЛИНИКА»СИ

**Жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, маънан ва жисмонан соғлом ёш авлодни тарбиялаш борасида жорий йилда кўпгина ишлар амалга оширилиши кўзда тутилган.**

Хусусан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида жорий йилда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасига Корея халқаро соғлиқни сақлаш жамғармаси томонидан тақдим этилган «Hyundai-Мобиль клиника»сининг амалиётга татбиқ этилиш жараёни шу йилнинг 19-20 март кунлари Тошкент туманида жойлашган Навоий номидаги қишлоқ фуқаролар йиғинида бошланди.

«Hyundai-Мобиль клиника»си республикамизнинг энг чекка ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳолини тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказиш, зарур тиббий ёрдамларни кўрсатиш имкониятига эга.

Бундан ташқари, «Соғлом авлод учун» жамғармаси ташаббуси билан «Она ва бола скрининги» ва «Тиббий ижтимоий патронаж» тизимларининг ташкил этилиши оналик ва болаликни муҳофаза қилишда алоҳида аҳамиятга эга бўляпти.

**Мухбиримиз**

Республикамиз маҳаллаларида

**Қорақалпоғистон Республикаси**

# ЮРТИМ БЎЙЛАБ КЕЗАДИ НАВРЎЗ

Шарқ халқларида кенг нишонланаётган Наврўзи олам завқи қалбларимизни янги орзу-ниятлар, мақсадларга тўлдириб, ҳали-ҳамон қишлоғу маҳаллаларимиз, хонадонларимизни кезиб юрибди. Бу кунда юртдошларимиз эски гина-кудуратларни унутиб, пиширган таомларидан қариндош-уруғ, қўни-қўшнилар ва ёрдамга муҳтож инсонларга улашиш учун шошилади.



Юртбошимиз Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимда халқимизни қутлар экан, жумладан, шундай деди: "Наврўзи олам мана шундай ёруғ кунларда юрагимиздан кечираётган олижаноб ҳис-туйғуларни намоён этиб, бир-биримизга меҳр-оқибат кўрсатиш, кексаларни зиёрат қилиш, ногиронлар, беморлар ва кўмакка муҳтож одамларга беминнат ёрдам беришдек гўзал фазилатлари билан Ватанимиздаги барча миллат ва элатлар учун ғоят азиздир". Дарҳақиқат, байрамни кўтаринки руҳда нишонлаган халқимиз азму шижоат билан янги мақсадларини амалга оширишга киришиб кетди. Пиру бадавлатларимиз йилнинг серҳосил ва омадли келиши Наврўзнинг қандай бўлишига боғлиқ, деб бежизга айтмаган. Зеро, яхши ният билан сепилган дон мўл ҳосил, ерга қадалган чигит сифатли тола, ўтқазилган ниҳол сархил мева беради.

Устюртдаги Элобод шаҳарчасида Наврўз байрамига пухта ҳозирлик кўрилгани ҳудудда ўтказилган байрам тантаналарида кўзга яққол ташланди. Айниқса, миллий байрамимизни кўтаринки руҳда ўтказишда "Қорақалпоғистон" шаҳарчаси фуқаролар йиғини мутасаддилари жонбозлик кўрсатди. 3880 нафар аҳоли истиқомат қиладиган ушбу шаҳарчада байрам дастурхонига сумалак, кўк сомса, гўжа каби миллий таомлар тортилди.

Бу кунларда айрим сабабларга кўра низолашиб қолган қўни-қўшнилар, қариндош уруғларни яраштириш, ёрдамга муҳтожларга меҳр-мурувват кўрсатишга ҳам алоҳида эътибор берилди. Жумладан, боқувчисини йўқотган ёшларнинг никоҳ тўйлари ўтказиб берилди. Ўн нафарга яқин кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди.

**Асил БЕК,**
**"Mahalla" мухбири.**

БАЙРАМ ШУКУҲИ > [4]

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

# ЗАМОНАВИЙ ВА КЎРКАМ БИНОЛАР

**Мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Юртбошимиз томонидан 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили, деб эълон қилинди. Мазкур анжумандаги маърузасида давлатимиз раҳбари «Юртимизнинг янада обод, халқимиз ҳаётининг янада фаровон бўлиши ва олдимизда турган юксак вазифаларнинг бажарилиши, ҳеч шубҳасиз, қишлоқларимизнинг тақдири ва келажаги билан боғлиқ эканини барчамиз яхши англаймиз», деб таъкидладилар.**



**Маҳалла гузари лойиҳаси**

Дарҳақиқат, кейинги йилларда мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқлари таниб бўлмас даражада кўркам қиёфа касб этди. Шарқ ва ғарб меъморчилигининг илғор анъаналарини ўзида мужассам этган иншоотлар, турар-жой бинолари, йўллар, кўприклар юртдошларимизда ғурур ва ифтихор туйғусини уйғотмоқда. Албатта, бизда шаҳарсозликнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилган. Хусусан, Шаҳарсозлик кодекси, «Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги Қонун ва Президентимизнинг мазкур соҳани ривожлантиришга оид фармонлари ҳамда ҳукумат қарорлари бу борада дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Мухбиримиз Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Архитектура ва шаҳарсозлик бошқармаси бошлиғи Шодиёр Шоназаровга билан «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси ҳақида суҳбатлашди.

**— Суҳбатимиз аввалида, қишлоқларнинг замонавий қиёфаси, уй-жой ва ижтимоий соҳа объектларини лойиҳалаш ҳамда қуришнинг долзарб масалалари ҳақида гапириб берсангиз.**

— Айтиш жоизки, қабул қилинган Давлат дастури ўзининг кенг қамровлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан, замонавий архитектура ва шаҳарсозлик талабларидан келиб чиқиб, намунали лойиҳалар ишлаб чиқиш ва қўллаш, қишлоқ қурилиши кўламини ошириш ҳамда уни индустриаллаштириш, қишлоқ жойларида маҳаллий хомашё ва меҳнат ресурсларидан кенг фойдаланган ҳолда, янги турдаги қурилиш материалларини ишлаб чиқариш асосида уй-жой, ижтимоий-маиший, шунингдек, маданий объектлар қурилишини ташкил этиш долзарб вазифалардандир.

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ > [2]

Янги лойиҳа

# ИЛМИЙ МАСЛАҲАТ ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

**Юртимизда маҳалла тузилмаси фаолиятини янада такомиллаштиришга, аҳоли ўртасида йиғиннинг, хусусан, маҳалла оқсоқоли ва бошқа ходимларининг обрўсини оширишга алоҳида аҳамият бериб келинмоқда.**

Ушбу институтни ҳар томонлама шакллантириш мақсадида ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳаётга тўла татбиқ этилишида яхши самараларга эришишни, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада яхшилашга қаратилган илмий изланишлар олиб боришни бугунги кунимиз ҳар жиҳатдан тақозо этаётир. Шунингдек, йиғин ходимлари, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ҳамда "Маҳалла" жамғармаси тизимида фаолият олиб бораётган ходимлар малакасини ошириб бориш, янги назарий ва амалий услубларни ўрганиш маҳалла институти фаолиятини ривожлантиришнинг амалда ўзини оқлаган усулларидан. Шу ва бошқа мақсадларни кўзлаб, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви Раёсати томонидан 2009 йил 25 февралда қабул қилинган қарорга мувофиқ, "Маҳалла зиёси" республика ўқув-услубий маркази қошида Илмий маслаҳат жамоатчилик кенгаши тузилди.

Мазкур жамоатчилик кенгаши, фаолият юритиш тартибига кўра, маҳаллаларда ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликда тинчлик-осойишталикни таъминлаш, ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш, болалар спортини ривожлантириш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган рисола, қўлланма, тавсияларни кенгашда кўриб чиқиш ва уларни маҳалла ҳаётига татбиқ этишда фаол иштирок этади.

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ > [2]

Ҳар маҳаллада ҳар юмуш

**Самарқанд вилояти**

# ЭРТА ЭККАН ЭРТА ЎРАДИ

Жомбой туманидаги "Саричашма" маҳалла фуқаролар йиғини яшариш ва янгиланиш байрами — Наврўзни муносиб тарзда нишонлашди. Маҳалла аҳли бу айёмда сумалак пишириш учун буғдой ундирди, байрамга мослаб ранг-баранг кийимлар тайёрлади. Бободеҳқонлар томорқасига сабзавот экинларини экишни аллақачон бошлаб юборган.

— Биз томорқамизга сабзавотнинг барча турларини экиб бўлдик. Эрта экилган маҳсулот тез етилиб, мўмайгина фойда ҳам келтиради. Бунинг орқасидан оиламизнинг ушбу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондирамиз, ўзимиздан ортганини бозорга чиқариб сотсак, даромадимиз яхшиланади, — дейди меҳнат фахрийси Мурод Исоқов.

Маҳалла ҳудудидаги 5 та қишлоқда 5137 нафар аҳоли яшайди. Улар баҳорнинг ғанимат дамларидан фойдаланиб, ерга уруғ қадади. Маҳалла фахрийлари ва оқсоқоллари ҳар бир хонадонда бўлиб, фуқаролар экинларни қандай экаётгани билан қизиқди. Уларга зарур маслаҳатларни берди.

Норбой Абулхайировлар хонадони 10 сотих томорқадан бир йилда 2-3 марта ҳосил олади. Шунинг ҳисобига оила тўқ ва фаровон турмуш кечиряпти. Сара уруғ мўл ҳосил гарови бўлса, экологик соф маҳсулотларни етиштириш, аввало, унинг харидорлари сонини оширади.

— Катта ҳаётий тажрибага эга отахонларнинг кўрсатган ибрати деҳқончиликдан мўл ҳосил кўтаришда фуқароларимизга дастуриламал бўлади, — дейди маҳалла оқсоқоли Олмос Маматов. — Агар хонадон соҳиби экиннинг серҳосил, эртапишар навини экса, бу ҳосил мўл, эл дастурхони тўкин демакдир. Шунинг учун биз томорқаси бор маҳалладошларимизни арзон ва сифатли уруғ билан таъминлашга ҳаракат қилдик. Бу йилги Наврўз байрамида ҳомийларимиз турли номинациялар бўйича кўрик-танлов ва беллашувлар ўтказиб, ғолибларга совға-саломлар улашдилар.

**Пардабой ТОЖИБОЕВ**

**Азиз муштарий! Газетамизга обуна йил бўйи давом этади. У сизнинг доимий ҳамроҳингиз ва маслакдошингиздир.**

